Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 49 (178) • 2008 йил 5 декабрь

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

***Маълумки, инсон ва фуқароларнинг конституциявий иқтисодий ҳуқуқлари доимий равишда ўзига эътиборни жалб қиладиган муҳим ҳуқуқ ва эркинликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса, энг аввало, инсон ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини қўллаб-қувватлаш ва норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг нормал турмуш ҳаёти, иш билан бандлиги, моддий фаровонлиги, ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинганлиги, бир сўз билан айтганда унинг эҳтиёжлардан холи равишда эркин бўлишини таъминлашда намоён бўлади.***

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг иқтисодий соҳадаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX бобида кўрсатилган бўлиб, унда белгиланган нормаларнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» (1948 йил), «Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» (1966 йил) каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига тўла мос келишини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқлар фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига замин яратади. Улардан бири 36-моддада мустаҳкамланган ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқидир. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси мулк ҳуқуқига шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат, деб таъриф беради. Демак, мулкдоргина ўз мол-мулкига энг яқин киши саналади, бинобарин, уни ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб тасарруф этади. Зеро, бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фақатгина иқтисодий жиҳатдан эркин фуқарогина ҳақиқий мулк эгаси бўлиб, у ўз мулкидан самарали фойдаланиши ва шу орқали мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир эта олиши мумкин. Шу боисдан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, мулкчилик барча шаклларининг ривожланишига бир хил шарт-шароит яратиб бериш ва ривожлантиришдан иборатлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Бу вазифаларни бажаришда, биринчи навбатда, ҳар кимнинг ўз хусусий мулкига эркин эгалик қилиш тамойилини мустаҳкамлаш йўлида Фуқаролик кодекси, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги сингари бир қатор қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар мамлакатимиз олдига қўйилган юксак марраларга эришишда, хусусан юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда хусусий сектор вакиллари — тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларига тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, Конституциянинг ушбу моддасида **банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши белгиланган** бўлиб, ушбу норма Ўзбекистон Республикасининг жорий қонунчилигида, аниқроқ айтганда, Фуқаролик кодекси, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларда янада ривожлантирилди, тўлдирилди. Хусусан, банклар тижорат ташкилоти сифатида юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилади ҳамда бу маблағлардан таваккал қилган ҳолда кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланади, тўловларни амалга оширади. Бундан ташқари, банклар ва банк хизматчилари ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига оид маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Конституцияда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан бири сифатида уларнинг **меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам** ўз ифодасини топган бўлиб, *биринчидан*, фуқароларга ўзлари хоҳлаган касбни эркин танлашлари, *иккинчидан*, ўз қобилиятларига яраша иш билан таъминланишлари, *учинчидан*, ўз меҳнатларининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ олишлари; *тўртинчидан*, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланишлари; *бешинчидан*, меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур воситалар билан таъминланишларига мустаҳкам замин яратилди. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 23-моддасига тўла мос ҳолда қабул қилинган мазкур норма мустақиллик йилларида Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларда мазмунан янада тўлдирилди. Хусусан ушбу қонунларда меҳнат бозорининг самарали амал қилиши, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитлари яратилиши, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилиниши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар белгилаб қўйилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституцияда ушбу норманинг белгилаб қўйилганлиги ўз навбатида, бугунги кунда меҳнат соҳасида, хусусан ишга кириш, жойлашиш соҳасида ҳам бошқа жабҳаларда бўлгани каби рақобат муҳити шаклланишига, бир сўз билан айтганда, «фаол меҳнат бозори»нинг вужудга келишига ҳуқуқий асос яратди.

Бундан ташқари, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 24-моддаси, «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги 1966 йилги Халқаро пактнинг 7-моддаси қоидаларига тўла мос ҳолда қабул қилинган Конституциянинг 38-моддасига кўра, мамлакатимизда **барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.** Дам олиш вақти Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақт билан изоҳланади. Дам олиш вақти - иш куни (смена) давомидаги дам олиш ва овқатланиш учун танаффуслардан, беш кунлик иш ҳафтасида – икки кунлик, олти кунлик иш ҳафтасида - бир кунлик дам олиш кунлари, байрам кунлари ва йиллик меҳнат таътиллари (шу жумладан, ижтимоий таътиллар)дан иборат. Шунингдек, барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилиши кафолатланади. Йиллик меҳнат таътиллари (асосий ва қўшимча) ўн беш иш кунидан кам бўлмаган ҳамда қирқ саккиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатни ташкил қилади. Шунингдек, ходимларга ижтимоий таътиллар (туғиш таътиллари, болаларни парваришлаш таътиллари, ўқиш билан боғлиқ таътиллар, ижодий таътиллар) ҳам берилади.

Иш вақти хусусида тўхталар эканмиз, меҳнат қонунчилиги қоидаларига кўра, мамлакатимизда унинг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги белгиланган бўлиб, чунончи олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати – етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса – саккиз соатдан ошмаслиги белгиланган. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун – ҳафтасига ўттиз олти соатлик (16-18 ёшлиларга), йигирма тўрт соатлик (15-16 ёшлиларга), I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун – ҳафтасига ўттиз олти соатлик, ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган (яъни, меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган) ходимлар учун – ҳафтасига ўттиз олти соатлик, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (тиббиёт ходимлари, педагоглар) учун – ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақтининг қисқартирилган муддатлари ҳам ўз ифодасини топган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми ҳисобланган «иқтисодий ҳуқуқлар» мажмуи инсоннинг яшашини таъминлашга, турмуш тарзини яхшилашга қаратилган бўлиб, бу ўринда Конституцияда ўз ифодасини топган қоидалар мамлакатимизда «фуқаро - жамият – давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ечимини кафолатлашга хизмат қилади.

***Нуриддин НАРМАТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, ю.ф.н., доцент.***

Қонун чиқарувчилар нималар устида ишлашмоқда

## СОЛИҚ КОДЕКСИ «ЯНГИЛАНДИ»

### ПАРЛАМЕНТНИНГ ҚУЙИ ПАЛАТАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 70 ДАН ОРТИҚ МОДДАСИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТДИ.

***Парламентнинг қуйи палатаси «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида ишлашни тугаллади. Унда аксарияти хўжалик юритувчи субъектлар, вазирликлар ва идоралардан келиб тушган, махсус идоралараро ишчи гуруҳ[1] тизимлаштирган таклифлар ҳисобга олинди.***

**Шавкат ТЕШАЕВ,**
**Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси**
***(ЎзЛиДеП фракцияси):***



– Лойиҳа олдидан қўмиталар ва фракциялар мажлисларида депутатлар томонидан синчиклаб кўрилди ва муҳокама қилинди, барча жиддий масалалар ҳам айни шу босқичда ҳал қилинди. Қуйидагиларни Кодексга киритилаётган энг муҳим ўзгартишлар деб ҳисоблаш мумкин:

• **145-моддада** – бошқа харажатларга киритилган зарарлар ва талафотлар таркибига қарзни талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришдан кўриладиган, қарз суммаси билан ва улар бўйича қарз вужудга келган, реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқдан ошмайдиган сумма доирасидаги зарарлар қўшилади;

• **155-моддада** – Ўзбекистон Республикасининг лизинг компаниялари томонидан чет эл молия институтларига тўланадиган инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб этилган кредитлар бўйича даромадларга солиқ солинмайди (банкларга берилган имтиёзга ўхшаб);

• **171-моддада** – иши сайёр ёки вахта тусида бўлган ходимларнинг хизмат сафарлари учун харид қилинган йўл чипталари, шунингдек кадрларни ўқитишга

2-бетда

*[1]Ҳукумат қарори билан тузилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалда рўёбга чиқаришни ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилиш бўйича махсус идоралараро гуруҳ.*

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар — Солиқ кодексига ўзгартиришлар
3-бет — Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?
5-6-бетлар — Бизнинг маслаҳатлар
10-бет — Тарихда ном қолдирган бухгалтер

$1 = 1371,80 сўм €1 = 1737,80 £1 = 2101,19 сўм ¥10 = 143,96 сўм

INTER PRESS
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13
www.interpress.uz



# СОЛИҚ КОДЕКСИ «ЯНГИЛАНДИ»

(малакасини оширишга, қайта тайёрлашга) йўналтирилган компенсация тўловлари жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди;

• **257-моддада** – доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошираётган ва сув ресурсларидан фойдаланаётган норезидентлар, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган резидентлар учун назарда тутилганидек, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари керак;

• **179-моддада** – кредит уюшмаларидаги депозитлар бўйича даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинишидан озод қилинади (банклардаги омонатлардан олинадиган даромадлар бўйича берилган имтиёзга ўхшаб);

• **212-моддада** – пахта толаси ва линт оборотлари бўйича ҚҚСнинг ноль даражали ставкаси жорий этилади ҳамда қимматбаҳо металларни экспортга реализация қилиш оборотларига нисбатан бекор қилинади;

• **216-моддада** – юкларни халқаро ташиш хизматларини реализация қилиш бўйича оборотга ноль даражали ставка жорий этилади[2];

• **311-моддада** – деҳқон хўжаликлари учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдори 2 баравар камайтирилган;

• **323-моддада** – харид қилинган ва (ёки) республика ҳудудига вақтинча олиб кириладиган автотранспорт воситаларининг қиймати ўрнига солиқ солиш объекти бўлиб двигателнинг от кучидаги қуввати қабул қилинади.

Ушбу ўзгартишларнинг баъзилари 2009 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида назарда тутилган.

Эҳтимол, кейинчалик биз Солиқ кодексининг бевосита амал қилувчи нормаларини янада кучайтириш имкониятини топармиз, бирор яқин вақт ичида у бошқа ўзгартирилмайди. Янги таклифлар, агар улар пайдо бўлса, ҳукумат томонидан таҳлил қилинади ва парламентнинг кўриб чиқишига, фикримча, келгуси йилнинг охиригача киритилмайди.

* * *

Мазкур тузатишларни қабул қилиш билан бир вақтда Қонунчилик палатаси 2009 йилги солиқ-бюджет сиёсати концепцияси томонидан маъқулланган, бир қатор энг муҳим қонун ҳужжатларини, шу жумладан Фуқаролик кодексини Солиқ кодекси нормаларига мувофиқлаштирди, бу эса ғоятда муҳим воқеадир.



**Абдурашид ТЎХТАБОЕВ, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси**
*(«Миллий тикланиш» ДП фракцияси):*

– «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «Бюджет тизими тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида», «Солиқ маслаҳати тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Давлат солиқ хизмати тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ва бошқа кўплаб қонунларнинг айрим моддаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Хўжалик процессуал, Уй-жой, Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар нормаларига тузатишлар киритишни назарда тутади.

Қонун лойиҳаси жуда муҳим, чунки Солиқ кодекси қабул қилиниши билан вужудга келган, қонунчиликда ҳозирги кунгача мавжуд бўлган барча номувофиқликлар ва келишмовчиликларни амалда бартараф этади ва унинг нормалари тўсиқларсиз амалда қўлланилиши учун ҳуқуқий майдон барпо этиб, солиқ тўловчиларнинг ҳам, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш учун масъул органларнинг ҳам ҳаётини енгиллаштиради.

Фуқаролик кодексига келганда, биз унга салмоқли ўзгартиш ёки янгиликларни киритмадик. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун эса жиддий тарзда тузатилди – улар бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини таъминлайдиган органларнинг уларни тўловчилар билан муносабатларини тартибга соладиган, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган қисмга тааллуқли бўлди.

Амалиёт бугунги кунда Солиқ кодексини янада такомиллаштириш бўйича таклифларнинг икки асосий турини вужудга келтирганлигини эслатиб ўтамиз. Улардан бири «техник» тусга эга (ноаниқликлар, турлича ўқишлар ёки зиддиятлар борасида) ва уларни ҳал қилиш нисбатан осон. Бошқалари эса илгари қарор қабул қилинган, бироқ қандайдир сабабларга кўра солиққа оид муносабатларни бирорта тарафини қаноатлантирмайдиган фундаментал масалаларга тааллуқли. Бунда ҳам илож битта – норози «томон» ўзининг шахсий, корпоратив ёки тармоқ манфаатларини умуммиллий манфаатлар билан ишончли тарзда боғлаши ва эътирозларини малакали равишда асослаши керак. Баъзан бу ўз самарасини беради, буни кўриб чиқилган қонун лойиҳалари мисолида кўриш мумкин.

**Юлия ЯШИНА,**
**мухбиримиз.**

[2] *Солиқ кодексининг амалдаги таҳририда ноль даражали ставка фақат йўловчилар, багаж ва почта ташиш бўйича оборотларга қўлланилади.*

● РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

**STS LOGISTICS**
SOLUTIONS TO SATISFACTION

**МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда**
***30 дан зиёд офис ва 300 агент***

***– транспортнинг барча турларида юк ташиш***
***– юкларни “эшикдан эшиккача” етказиб бериш***
***– импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви***

**Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net**

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 2 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловларни учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 887,14 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2101,19 |
| 1 Дания кронаси | 233,40 |
| 1 БАА дирҳами | 373,53 |
| 1 АҚШ доллари | 1371,80 |
| 1 Миср фунти | 248,97 |
| 1 Исландия кронаси | 9,62 |
| 1 Канада доллари | 1103,89 |
| 1 Хитой юани | 200,13 |
| 1 Малайзия ринггити | 378,32 |
| 1 Польша злотийси | 460,03 |
| 1 СДР | 2049,65 |
| 1 Туркия лираси | 874,31 |
| 1 Швейцария франки | 1131,94 |
| 1 ЕВРО | 1737,80 |
| 10 Жанубий Корея вони | 9,39 |
| 10 Япония иенаси | 143,96 |
| 1 Россия рубли | 49,69 |
| 1 Украина гривнаси | 203,48 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 3.12.2008 | 1 | 0,8091 | 1 | 1,0272 | 1 | 0,029 |
| Арманистон | 3.12.2008 | 1 | 306,45 | 1 | 386,71 | 1 | 10,94 |
| Беларусь | 4.12.2008 | 1 | 2170,00 | 1 | 2743,97 | 1 | 77,72 |
| Грузия | 3.12.2008 | 1 | 1,65 | 1 | 2,0755 | 1 | 0,0589 |
| Қозоғистон | 4.12.2008 | 1 | 120,45 | 1 | 152,26 | 1 | 4,31 |
| Қирғизистон | 29.11.2008 | 1 | 39,2956 | 1 | 50,8544 | 1 | 1,4234 |
| Латвия | 4.12.2008 | 1 | 0,553 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0198 |
| Литва | 4.12.2008 | 1 | 2,7195 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,7419 |
| Молдова | 3.12.2008 | 1 | 10,3993 | 1 | 13,1479 | 1 | 0,3717 |
| Тожикистон | 3.12.2008 | 1 | 3,4043 | 1 | 4,3707 | 10 | 1,2166 |
| Ўзбекистон | 2.12.2008 | 1 | 1371,80 | 1 | 1737,80 | 1 | 49,69 |
| Украина | 3.12.2008 | 100 | 723,88 | 100 | 919,1104 | 10 | 2,5838 |
| Эстония | 3.12.2008 | 1 | 12,3988 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,442722 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

УШБУ СОНДА:

● **ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА**
– Иқтисодий ҳуқуқларнинг конституциявий асослари
– Солиқ кодекси «янгиланди» *1-2-бетлар*

● **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони
– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони *3-4-бетлар*

● **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
– Хабардор қилишни унутманг!
– Мулкка эгалик – бу конституцион ҳуқуқдир
– Эмиссия таомили: қарор қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, жойлаштириш *5-6-бетлар*

● **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
Идоравий-меъёрий ҳужжат:
– Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг «Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 11 октябрдан 17 октябргача бўлган маълумот** *7-8-бетлар*

● **МЕНЕЖМЕНТ**
– GS1 стандартлари: бизнесга наф, истеъмолчига фойда *9-бет*

● **ТАРИХДА НОМ ҚОЛДИРГАНЛАР**
– Савдогарликдан бухгалтерликка *10-бет*

● **ПАНОРАМА** *11-16-бетлар*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Халқ сўзи», 233 (4643)-сон, 2008 йил 2 декабрь.)*

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий кризисининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан таъминланади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

3. Белгилансинки, фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш тижорат банкининг маблағи ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банкларининг бадаллари ва ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 28 ноябрь.*

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

**Президентнинг тижорат банклари молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаолиятини кучайтириш соҳасидаги баъзи ҳужжатларини мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг 2008 йил 21 ноябрдаги ПФ-4055-сон Фармони билан уларнинг баъзиларига ўзгартишлар киритилди.**



Чунончи, Президентнинг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида» ПФ–2084-сон Фармонидан 1999 йилнинг 1 июлига қадар давлат маблағларини жалб этган ҳолда ташкил қилинган банкларнинг устав капиталидаги давлат улуши кўпи билан эллик фоизни ташкил этиши, қолган қисми эса юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан банкларнинг мижозлари ўртасида жойлаштирилиши лозимлигини назарда тутиб, тижорат банкларининг устав капиталига нисбатан қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш ҳақида давлат органларига берилган топшириқ чиқариб ташланди. Ушбу ҳужжатнинг иловасидан давлат маблағлари жалб этилган ҳолда ташкил этилган банкнинг устав капиталидаги давлат мулк улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган давлат, корхона ва ташкилотларнинг улуши 50 фоиздан кўп бўлмаслиги кераклиги ҳақидаги чеклов ҳам чиқариб ташланди.

Президентнинг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-56-сон қарорининг янги ташкил этиладиган банклар устав капиталининг миқдорини белгилайдиган банд ўз кучини йўқотди, унга кўра у:

тижорат банклари учун – сўмга айлантириб ҳисоблаганда 5 млн АҚШ долларигача, хусусий банклар учун эса – сўмга айлантириб ҳисоблаганда 2,5 млн АҚШ долларигачани ташкил қилган (Президентнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-726-сон қарори билан белгиланишича, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори тижорат банклари учун – сўм эквивалентида 5 млн еврони, хусусий банклар учун эса– 2,5 млн еврони ташкил этиши керак).

## ОМОНАТГА КАФОЛАТ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш мақсадида **2008 йил 28 ноябрда Президентнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4057-сон Фармони қабул қилинди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонида чоп этилмоқда).*

Шундай тартиб ўрнатилдилки, унга мувофиқ омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади. Шунингдек, фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш тижорат банкининг маблағи ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банкларининг бадаллари ва ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши ҳам белгиланган.

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ УСТИДАН НАЗОРАТ

**Президентнинг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ-1005-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан Молия вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Инсон-**



**парварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти ташкил этилди.** Департаментнинг асосий вазифалари этиб республикага инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш масалалари бўйича донорлар билан ҳамкорликни ривожлантириш таклифларини тайёрлаш; инсонпарварлик ёрдамига оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириш; республикага жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўлиқ ва тизимли ҳисобга олинишини таъминлаш ва бошқалар белгиланди. Ҳужжат билан Департаментнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбурияти ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тартибини белгилайдиган ***Департамент тузилмаси*** ҳамда ***Низом*** тасдиқланди.

Ҳужжат билан белгиланган тартибга мувофиқ инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар МВнинг Ғазначилигига ўзларининг шахсий банк ҳисобрақамларидан кўчирмалар, шунингдек инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тўғрисида маълумотни Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакл ва муддатларда тақдим этадилар.

## ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

**Президентнинг 2008 йил 27 ноябрдаги ПҚ-1007-сон қарори билан Президентнинг 2008 йил 11 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-775-сон қарорига ўзгартишлар киритилди.** Уларга кўра Халқ банки устав капиталининг миқдори 2008 йилдаёқ 100,0 млрд сўмга етказилади, аввал бу муддат 2010 йил 1 январгача этиб режалаштирилган эди. Тегишли ўзгартишлар қўшимча омонатларни қўйиш жадвалига киритилди.

* * *

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 25 ноябрдаги 255-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорига** қўшимчалар киритилди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Белгиланишича, Чет элга боришлари махсус розиликни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг халқаро характердаги расмий тадбирларда қатнашишини келишиб олиш белгиланган тартибда Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади. Эндиликда у ушбу Рўйхатга вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда хўжалик ва давлат бошқаруви органлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хавфсизлик ва мудофаа органлари ходимлари ҳам киради.

* * *

Президентнинг 2008 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-986-сон қарори қабул қилиниши муносабати билан **Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 25 ноябрдаги 256-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотди.**

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги намунавий низомнинг меъёрлари акциядорлик тижорат банкларига татбиқ этилмаслиги белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 мартдаги 39-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг уставига киритилган ўзгартишга кўра эса банкнинг устав сармояси миқдори икки юз миллиард сўм миқдорида белгиланган. Ушбу сумма номинал қиймати беш юз минг сўм бўлган тўрт юз мингта эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинади ва 2013 йил 1 январгача шакллантирилади. Банк кенгаши аъзолари сони камида беш кишидан иборат бўлиши кераклиги белгиланди (аввал камида етти кишидан иборат эди). Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам банк кенгаши аъзолари бўлишлари мумкин.

* * *

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 229-сон қарори билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар аниқлаштирилди** *(2008 йил 1 декабрдан кучга кирди).*




Давлат божи ставкаларига *(Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган)* киритилган изоҳга кўра алмаштириш шартномасини, шунингдек бир нечта енгил автотранспорт воситалари билан боғлиқ гаров шартномасини расмийлаштиришда бож шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир машинадан ундирилади. Белгиланган ставка ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида, битимлар сонидан қатъи назар, енгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқлашда қўлланилади. Бироқ ушбу қоидалар эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида автотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини, шунингдек ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни тасдиқлаганлик учун қўлланилмайди.

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 22 ноябрдан 28 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 48-сони асосида тайёрланди.**

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Халқ сўзи», 233 (4643)-сон, 2008 йил 2 декабрь)*

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар республика иқтисодиёти реал сектори соҳасида жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари деб ҳисоблансин:

энг аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни татбиқ этиш;

ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш;

иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш;

техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро стандартларини татбиқ этиш;

мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюнктураси тез ўзгариб бораётган шароитда экспорт механизмларини такомиллаштириш.

3. Тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида белгилаб қўйилган корхоналарнинг муттасил барқарор ишлашини таъминлаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш борасидаги қўшимча омиллар ҳамда ресурсларни сафарбар этиш чора-тадбирларини сўзсиз бажариш Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг энг муҳим вазифаси этиб белгилансин.

4. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишининг мониторинги ҳамда тизимли назоратини таъминлаш учун 2-иловага мувофиқ таркибда Ишчи гуруҳи тузилсин.

Ишчи гуруҳи (Р.С.Азимов):

мазкур Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурининг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назоратни;

ушбу Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида назарда тутилган ҳукумат қарорлари ва дастурлар лойиҳалари ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда тасдиқлаш учун белгиланган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

жумладан, тармоқлар, минтақалар ва алоҳида корхоналар миқёсида қабул қилинган чора-тадбирлар натижаларининг муntазам мониторинги ўтказилиши ва ҳар ойда кўриб чиқилишини;

дунёда нарх-наво ўсиши, жаҳон ва минтақа бозорлари конъюнктурасининг ўзгариши, иқтисодиёт ривожининг ички тенденциялари таҳлилидан келиб чиқиб, корхоналарнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига тезкорлик билан киритилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини, шунингдек, экспортни кенгайтиришда, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлашда иқтисодиёт реал сектори корхоналарига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари раҳбарлари зиммасига иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўриш, уларнинг асосли буюртманомалари бўйича айланма маблағларни тўлдириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредит ресурсларини тезкор, шу жумладан, имтиёзли асосда ажратиб бериш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 28 ноябрь.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 28 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПФ-4058-СОНЛИ ФАРМОНИГА

## ШАРҲ

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида кўплаб мамлакатлар молия-иқтисодий кризисни бошдан кечираётган таҳликали вазият вужудга келди. Жаҳон молия ва товар бозорларида вазиятни барқарорлаштириш, банк тизимини ҳамда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўллари изланмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, аввалги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган конкрет чора-тадбирларнинг кенг комплекси иқтисодиётимизни жаҳон молия кризиси хатаридан муайян даражада ҳимоя этишга хизмат қилади. Иқтисодиёт таркибини аниқ мақсад йўлида такомиллаштириш таъминланмоқда, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари фаол ташкил қилинмоқда, экспорт ҳажмлари муттасил ошириб борилмоқда ва унинг аввалги бир томонлама хом ашёга йўналтирилганлиги бартараф этилмоқда. Асосан ички ресурс манбаларига таянувчи барқарор молия-банк тизими шакллантирилган.

Айни вақтда, энг аввало, жаҳон товар бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашуви, рақобатнинг кескинлашуви каби бир қатор ташқи омиллар мавжудки, булар Ўзбекистон корхоналари томонидан экспорт қилинадиган айрим маҳсулот турларининг нархи ва ҳажмлари пасайиши орқали иқтисодиётимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда мамлакатимиз иқтисодиёти реал секторида жаҳон молия кризисининг салбий оқибатлари нималар ҳисобига бартараф этилиши мумкинлиги ва бу борадаги ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилган, ишлаб чиқаришни кейинчалик барқарор ўстириш ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳсулот сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш асослари кўрсатилган.

Биринчи навбатда, бу – корхоналарда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишдан иборат. Энг аввало, бу иқтисодиётнинг базавий тармоқларига, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга тааллуқлидир. Корхоналар, бирлашмалар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг диққат-эътибори ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида қабул қилинган дастурларни амалга оширишни жадаллаштириш, энг илғор технологияларни жалб этиш, халқаро сифат стандартларига ўтиш зарурлигига қаратилганки, булар ташқи бозорларда ҳам, ички бозорларда ҳам барқарор ўрин эгаллаш имконини беради.

Хорижий иқтисодчиларнинг фикрича, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни ўзлаштириш, бунинг ҳисобига энг кам чиқим билан сифатли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирларини ўз вақтида кўрган мамлакатлар вужудга келган кризисдан нисбатан камроқ зарар билан чиқадилар.

Шу боисдан Фармонда базавий тармоқларни модернизациялаш борасидаги энг муҳим 11 та дастурни амалга оширишни жадаллаштириш, саноат корхоналарининг эскириб қолган ускуналари ва асосий фондларини жадал янгилаш, техник қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича ускуналар харид қилиш буюртмаларини тезкорлик билан амалга ошириш, саноатда ва транспорт инфратузилмасида энг муҳим лойиҳаларни жорий этишни бошлаш ва уларни бажариш муддатларини камайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилган.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш реал маблағ манбалари билан мустаҳкамланган – корхоналарнинг ўз маблағлари, банкларнинг кредитлари, шу жумладан, уларнинг капиталини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобидан бериладиган кредитлар, шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларининг кредитлари шулар жумласидандир.

Республика корхоналари томонидан экспорт қилинадиган бир қатор маҳсулот турлари бўйича жаҳон товар бозорларидаги жорий конъюнктуранинг кескин ёмонлашуви – бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб турган масалалардан биридир.

Қайд этилган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида, Фармонда экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратишда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат томонидан аниқ чоралар кўриш назарда тутилган. Шу мақсадда экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва мавжуд кредиторлик қарзини реструктуризация қилиш имкониятини бериш мўлжалланмоқда.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини нуқтаи назардан қараганда, хусусан саноатнинг базавий тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларини қатъий назоратга олиш ва иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш экспорт қилувчи корхоналар учун катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам Дастурда электр энергияси ва асосий коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни рационализациялаш, материаллар ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камида 20 фоизга арзонлаштириш бўйича махсус чора-тадбирлар назарда тутилган.

Чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилганидек, электр энергетикани, ишлаб чиқариш тизимини, электр энергияни узатиш ва истеъмол қилишни кенг миқёсда модернизациялаш, энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини татбиқ этиш ҳам иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилгандир.

Шу билан бирга, чора-тадбирлар Дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган. Бунинг учун кичик ва хусусий бизнесга тижорат банкларининг, шу жумладан, Имтиёзли кредитлаш жамғармасидан кредитлар беришни кенгайтириш, замонавий импорт ускуналар ва минитехнологиялар харид қилиш учун кредит линиялари очиш, шунингдек, бир қатор қўшимча солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган.

Уй-жой қурилиши ва, айниқса, якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги уй-жой фондини таъмирлаш, тиклаш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларининг ўзаро боғлиқ тизимини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашишнинг муҳим омилидир. Фармонда мазкур йўналишда ихтисослашаётган ташкилотларни тузишни рағбатлантириш, уларга зарур замонавий ишлаб чиқариш-таъмирлаш базасини таркиб топтириш ва шакллантиришда ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича Фармон билан тасдиқланган Дастурда белгилаб қўйилган қўшимча чора-тадбирлар ички манбалар ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи ишончли захираларни яратиш имконини беради, бу эса жаҳон бозорларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиб бораётган шароитда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Корхоналарни модернизация қилишда, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда тижорат банкларининг муҳим ролини инобатга олган ҳолда, Фармонда банклар реал сектор корхоналарининг ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашдаги жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш жаҳон молия-иқтисодий кризиси шароитларида ҳам реал сектор корхоналарининг барқарор ишлашини, иқтисодиётнинг муттасил ва мутаносиб ўсишини таъминлаш ҳамда шу асосда мамлакатимизни янада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш вазифаларини тизимли, изчил ҳал этиш имконини беради.

# ХАБАРДОР ҚИЛИШНИ УНУТМАНГ!



***Жамиятимиз (МЧЖ) устав капитали тенг улушлар билан уч муассисга тегишли. Мен шерик муассисман, умумий йиғилиш мени ушбу жамиятга раҳбар этиб тайинлади. Гап шундаки, жамият барча иштирокчиларининг ҳозир бўлишини, яъни бир овоздан қарор қабул қилишни талаб қиладиган масалаларни ҳал қилиш бир неча маротаба иштирокчилардан бири йиғилишларга келмаганлиги ва унга жўнатилган хатларга жавоб бермаганлиги туфайли кейинга қолдирилди. Хабарномаларни қанча юбориш керак ва иштирокчини жамиятдан чиқариш ҳуқуқидан фойдаланиш учун қанча вақт кутиш ҳамда ҳаракат қилмаслик лозим?***

**МЧЖ раҳбари.**

– «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунга *(2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан кейин – Қонун)* мувофиқ иштирокчининг жамиятдан чиқиши икки усулигина мавжуд: **ихтиёрий ёки уни суд тартибида чиқариш.** Агар иштирокчи жамиятни бошқаришда иштирок этишни хоҳламай, унинг бир маромдаги фаолиятига тўсқинлик қилса ва айни вақтда ундан ихтиёрий равишда чиқишни хоҳламаса, жамият фаолиятни давом эттира бориб, бунда унинг барча иштирокчиларининг бир овоздан қарор қилишини талаб этадиган ҳаракатларни содир этмаслиги ёки ишёқмас иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқаришга ҳаракат қилиши лозим бўлади.

Жавобгарни йиғилишлар ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш билан боғланган ҳолатларни аниқлаш энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Жамият ҳам муассисининг умумий йиғилишларга мунтазам келмаслиги, агар ушбу йиғилишларни чақириш ва уларни ўтказиш тўғрисида жавобгарни хабардор қилиш таомилига риоя қилинганлиги, шунингдек уларга келмаслик учун узрли сабабларнинг йўқлиги исботланса, иштирок этишдан бўйин товлаш, деб эътироф қилиниши мумкин.

Қонунда муассислар йиғилишининг икки тури назарда тутилган – навбатдаги (режали) ва навбатдан ташқари.

***Навбатдаги йиғилиш*** жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилади. У жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чақирилади *(Қонун 31-моддасининг биринчи қисми).*

***Навбатдан ташқари йиғилиш*** уставда белгиланган ҳолларда, шунингдек, агар бундай умумий йиғилишни ўтказишни жамиятнинг ва унинг иштирокчиларининг манфаатлари тақозо этса, бошқа ҳолларда ҳам ўтказилади. Муассиснинг навбатдан ташқари йиғилишга келмаганлиги, агар бундай навбатдан ташқари йиғилишни ўтказишнинг ҳақиқатан ҳам қатъий зарурати ёки бевосита уставда белгиланган асослар мавжуд бўлгандагина, жамиятнинг бир маромдаги фаолиятига тўсқинлик қилиш деб эътироф этилиши мумкин. Навбатдан ташқари йиғилиш қуйидагиларнинг талабига кўра чиқарилиши мумкин:

– жамият иштирокчилари **умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган жамият иштирокчилари;**

– жамият кузатув кенгаши (агар у тузилган бўлса);

– жамият тафтиш комиссияси (тафтишчиси) (агар у тузилган бўлса).

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан чақирилиши мумкин.

Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги талаби (уни ёзма равишда расмийлаштириш тавсия қилинади) ижро этувчи органга юборилади, у йиғилишни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ижобий қарор қабул қилинса, йиғилиш уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан **қирқ беш кундан кечиктирмай** ўтказилиши шарт *(Қонун 32-моддасининг ўнинчи қисми).*

Иштирокчиларни навбатдаги ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишларни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш тартиби битта. Чунончи, хабардор қилиш мажбурияти ижро этувчи орган зиммасига юкланади. У йиғилишни ўтказишдан ***камида ўттиз кун олдин*** бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат ёки жамиятнинг уставида назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилиши шарт *(Қонуннинг 33-моддаси).* Хабарномада йиғилиш ўтказиладиган вақт ва жой кўрсатилиши керак, шунингдек кун тартиби илова қилинади.

Шуни эътиборга олингки, муассисни суднинг ҳал қилув қарорига кўра чиқаришга ҳаракат қилинганда судьянинг ўзи бундай муассис ўз мажбуриятларини қанчалик тез-тез ва қўполлик билан бузганлиги, унинг йиғилишларга келмаслиги компания учун қанчалик оғир оқибатларга олиб келганлиги ва сиз тақдим этган барча далиллар қанчалик ишончли эканлигини баҳолайди. Мазкур ҳолда муаммонинг моҳияти шундаки, ҳар бир фирма учун – унинг фаолият тури, молиявий ҳолати ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда – ўхшаш вазият турлича аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Қонунда жамият иштирокчиларини умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабардор қилишнинг фақат битта усули назарда тутилган – буюртма хат. Ортиқча саволлар туғилмаслиги учун уставда топширилганлиги албатта хабардор қилинадиган буюртма хатлар қандай усул билан юборилиши аниқлаштириб қўйилиши лозим, чунки Қонун 33-моддасининг биринчи қисмига кўра жамият жамиятнинг иштирокчиларини йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш бошқа усулларини назарда тутишга ҳақлидир.

## ФАКС ОРҚАЛИ

Иштирокчиларга йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани факс орқали жўнатиш қулай ва айни вақтда хатарли ҳам. Факс олинганлиги, иштирокчи хабардор қилинганлигини исботлаш жуда мушкул. Гувоҳларнинг хат факс орқали жўнатилганлигини тасдиқловчи оғзаки кўрсатмаларини эса суд далил сифатида қабул қилиши қийин.

## ЭЛЕКТРОН ПОЧТА ОРҚАЛИ

Хабарнома аввало – ҳужжат. Агар электрон хатга электрон рақамли имзо қўйилган бўлсагина у ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек устав ҳужжатларига электрон почтани, масалан, ҳафтада бир марта текшириш, Интернетдан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда эса – жамиятни бундан хабардор қилиш мажбуриятини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

## ОАВда ЧОП ЭТИШ

Матбуот орқали хабардор қилиш ҳам жамият аъзолари жуда кўп бўлган ҳоллардагина қулай. Уставда йиғилиш ўтказилишини айнан қайси оммавий ахборот воситаси орқали хабардор қилиш мумкинлигини аниқлаштириш лозим. Акс ҳолда уставда хабардор қилишнинг бундай усулини «оммавий ахборот воситаларида» деб умумий тарзда кўрсатиш иштирокчиларни умумий йиғилиш чақирилиши тўғрисида ҳақиқатда хабардор қилишни таъминламайди, чунки оммавий ахборот воситалари кўп. Шунингдек, хабарномада нафақат ўтказиш вақти ва жойи, балки кун тартибига қўйилган масалалар ҳам қайд этилиши кераклигини назарда тутиш керак. Бундай маълумотлар эса ўзида жамият учун муҳим бўлган, учинчи шахслар ўз манфаатларида фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни ифодалаши мумкин.

**Уставда хабардор қилишнинг турли шакллари назарда тутилиши мумкин, бироқ амалиётнинг кўрсатишича, улар ичида энг қулайи – барча жиҳатлардан олганда ҳам буюртма хатдир.**

# НАРСАЛАРИНГНИ ЎЗИНГ БИЛАН ОЛ

***Мен жамиятнинг шерик муассисларидан бириман. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунга кўра жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият устав фондига ўз ҳиссасини жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан кечиктирмай тўлиқ киритиши керак. Бироқ мен кўрсатилган муддатга улгурмайман. Агар ҳисса ҳам тўлиқ киритилмаган бўлса, мен жамиятдан чиқа оламанми? Мен қўйишга улгурган мол-мулкни қайтаришдан жамият бош тортиши мумкинми?***

**Муассис.**

– Қонун 8-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамият иштирокчиси исталган вақтда, унинг бошқа иштирокчилари розилигидан қатъи назар, жамиятдан чиқа олади. Бундан келиб чиқадики, сиз иштирокчилар таркибидан исталган вақтда, ўз ҳиссангизни тўлиқ киритишга улгурган ёки улгурмаганлигингиздан қатъи назар, чиқа оласиз.

Жамият жамиятдан чиқиш пайтида сиз тўлаган улуш қисмини тўлашдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонун 22-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ жамиятдан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамият чиқиб кетган иштирокчига улушининг **чиқиб кетиш санасидан олдинги** охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки чиқиб кетган иштирокчининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт. Ушбу модданинг тўққизинчи қисмига кўра **улуш жамиятга ўтган пайтдан эътиборан бир йил ичида,** агар жамиятнинг уставида камроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, **жамият улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши ёки худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.**

Шунингдек қуйидагиларни ҳам назарда тутиш керак. Агар жамият иштирокчиси белгиланган муддатда ўз ҳиссасини тўлиқ миқдорда киритмаган ва ушбу муддат тугашига қадар иштирокчилар таркибидан ихтиёрий равишда чиқмаган бўлса, унинг улуши ўз-ўзидан жамиятга ўтади *(Қонун 22-моддасининг учинчи қисми).* Бунда жамият иштирокчисига улушнинг у қўшган ҳиссанинг қисмига мутаносиб равишдаги қисмининг ҳақиқий қийматини жамият тўлаши ёки жамият иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида беришга мажбур. Улуш бир қисмининг ҳақиқий қиймати **ҳиссани қўшишнинг муддати тугайдиган кундан** олдинги охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади. Жамиятнинг уставида улуш ҳиссанинг тўланмаган қисмига мутаносиб қисми жамиятга ўтиши назарда тутилиши мумкин.

***Мария ТУХТАРОВА, «Norma» МЧЖ юристи.***

8 декабрь • Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# МУЛККА ЭГАЛИК – БУ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚДИР

***Ҳар бир мамлакат ва жамият тарихида шундай улуғ саналар борки, уларнинг аҳамияти ва қадри даврлар оша ортиб бораверади.***

***Улар орасида озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўзида тўла акс эттирган, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган Конституциямиз қабул қилинган кун ҳар йили ўзига хос тантана билан нишонланади. Бу бежиз эмас, албатта.***

Чунки, давлатнинг давлат, халқнинг халқ сифатида дунёга танилишида асосий Қомуснинг ўрни беқиёс. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам халқимиз хоҳиш-иродасини, тафаккури ва маданиятини кўз-кўз қилади. Боиси, халқнинг ўзи унинг ишлаб чиқилиши ва муҳокамасида фаол иштирок этган.

Буни Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида ҳам «Бизнинг Қомусимиз демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди», – дея таъкидлаган эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда самарали ислоҳотлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар хизмат кўлами ҳам кенгайди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг суверенлиги унинг мулки бўлиши ва мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг мавжуд эканлигига боғлиқ.

Конституциямизнинг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақатгина қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Бундай конституциявий ҳуқуқни эса нотариал муносабатларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунида ҳам «Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли», деб белгиланган. Бундан кўринадики, мулк кимга – фуқаро, жамият ёки давлатга тегишли бўлишидан қатъи назар, ҳеч қачон ҳеч ким томонидан ноқонуний тарзда тортиб олиниши, мулк эгаси розилиги бўлмай туриб ундан фойдаланиш, мулкка нисбатан тажовуз қилиш, эгасининг ўз мулкидан эркин фойдаланишида турли тўсқинликлар қилиш мумкин эмас.

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланади. Қонун билан ман қилинган айрим ашёлардан ташқари, ҳар қандай мол-мулк хусусий бўлиши мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган хусусий мулк, асосан улар манфаатлари учун хизмат қилади. Хусусий мулк объектлари тури ва миқдорига биноан чегараланган бўлиши мумкин. Лекин бундай чегаралашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади.

Ўз мол-мулкидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги эса мулк эгасига берилган энг муҳим ҳуқуқлардан биридир. Фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахс ташкил қилиб ёки ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин. Бунда ҳар икки ҳолатда ҳам у ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мулк ҳисобидан жавоб беради.

Хусусий мулк билан боғлиқ муносабатлар бошқача усулда тартибга солиниши ҳам мумкин. Масалан, ўз мол-мулкининг бир қисмини улуш ёки пай сифатида хўжалик ширкатига, жамиятга ёки ишлаб чиқариш кооперативига топширган фуқаро ёки юридик шахс ушбу қисмга нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотади ва тижоратчи бўлган ташкилот (жамият, ширкат, кооператив) мулк ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий мулк субъекти бўлган фуқаро ва юридик шахс ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан ҳисса сифатида тижоратчи бўлмаган ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа фондлар)нинг мол-мулкига ўтказиши ҳам мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мулкдорлар ўз мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳақидаги конституцион ҳуқуқлар қонунларимизда белгиланганидек нотариал идоралар амалиётида ҳам ўз ифодасини топган.

***Мавлуда МАНСУРОВА,***
***Шайхонтоҳур туманидаги 7-сон давлат нотариал идораси нотариуси.***

**?**

***Акциядорлик жамияти қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали устав фонди кўпайтирилганлиги муносабати билан жамият уставига киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилди. Рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи орган АЖдан жамият устав фондини кўпайтириш (эълон қилинган миқдорни шакллантириш) тўғрисидаги ҳужжатни сўради. Шундай қилиш тўғрими? Мазкур ҳужжат қандай тузилган?***

***Қўшимча акцияларни жойлаштириш ва АЖ устав фондининг миқдорини кўпайтириш таомили тўғрисида батафсил йўриқнома берсангиз.***

**Ш.Бобоев,**
**АЖ бухгалтери.**

# ЭМИССИЯ ТАОМИЛИ:
## ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ, ЖОЙЛАШТИРИШ

– **Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан изҳор этилаётган талаблар қонуний** *(Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низом 33-бандининг еттинчи хатбошиси, бундан кейин – ПҚ-357-сон низом)*. Фикримизча, кўрсатилган ҳужжат:

– ариза (хабарнома) шаклига эга бўлиши мумкин;

– қўшимча чиқарилган жойлаштирилган акцияларнинг ҳақиқий миқдори тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак;

– акцияларнинг қўшимча эмиссиясини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамиятнинг бошқарув органи томонидан тасдиқланади.

Ўйлашимизча, бундай ҳужжатни тақдим этишнинг зарурлигини устав фондининг дастлабки миқдори, уни қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирган тақдирда, барча чиқарилган акцияларнинг эмас, **балки фақат жойлаштирилган акциялар[1] номинал қийматининг суммасига кўпайиши** тақозо этган *(1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» 223-I-сон Қонун 21-моддасининг олтинчи қисми, бундан кейин – 223-I-сон Қонун)*.

223-I-сон Қонун 21-моддасининг биринчи қисмига кўра АЖ устав фондини кўпайтириш усулларидан бири қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш фақат АЖ уставида белгиланган эълон қилинган (қўшимча) акциялар сони доирасидагина мумкин *(223-I-сон Қонун 21-моддасининг учинчи қисми)*. Уставда кўрсатилган маълумотлар бўлмаганда устав фондини изоҳланаётган усул билан акциядорлик жамияти ошира олмайди: бундай жамият аввало қонун билан белгиланган тартибда уставга ўзгартишлар киритиб, уларда жамиятнинг акциялар қўшимча эмиссияси ва унинг энг кўп сонига ҳуқуқини назарда тутиши лозим[2]. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши, агар жамият уставига ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият кузатув кенгашига бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи тегишли бўлса, қабул қилади. Мазкур қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

– АЖнинг тўлиқ номи, унинг почта манзили *(2008 йил 22 июлдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» ЎРҚ-163-сон Қонун 5-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққанда, бундан кейин – ЎРҚ-163-сон Қонун)*;

– қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган сана *(ЎРҚ-163-сон Қонун 5-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққанда)*;

– қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган акциядорлик жамияти бошқарув органининг номи *(ЎРҚ-163-сон Қонун 5-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққанда)*;

– чиқарилаётган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг ва эълон қилинган акциялар сони (улуши) доирасида имтиёзли акциялар ҳар бир турининг сони[3] *(223-I-сон Қонун 21-моддасининг бешинчи қисми)*;

– уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шу жумладан қонунга мувофиқ жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси *(223-I-сон Қонун 21-моддасининг бешинчи қисми)*;

– жойлаштириш усули (очиқ ёки ёпиқ ёзилиш йўли билан жойлаштириш);

– жойлаштирилаётган қўшимча акцияларга ҳақ тўлаш шакли ва муддатлари *(223-I-сон Қонун 33-моддасининг тўртинчи ва иккинчи қисмлари)*;

– ҳар бир чиқарилаётган акциянинг номинал қиймати *(ЎРҚ-163-сон Қонун 5-моддаси биринчи қисми ўн биринчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққанда)*;

– чиқарилаётган акцияларни харид қилувчи акциядорларнинг ҳуқуқлари *(ЎРҚ-163-сон Қонун 5-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққанда)*.

Қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорни қуйидагилар қабул қилади:

– йиғилишда иштирок этаётган жамият акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан *(223-I-сон Қонун 66-моддасининг тўртинчи қисми)*. Бунда агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтмиш фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлсагина, мазкур умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади *(223-I-сон Қонун 75-моддасининг биринчи қисми)*;

– кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овозда, агар қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш. АЖ устави ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан кузатув кенгашининг ваколатлари доирасига киритилган бўлса *(223-I-сон Қонун 85-моддасининг тўртинчи қисми)*. Бунда кузатув кенгашининг мажлиси, агар унда жамият устави билан белгиланган аъзолар сони иштирок этиб, улар кузатув кенгашига сайланганлар умумий сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил қилсагина, ваколатли ҳисобланади *(223-I-сон Қонун 85-моддасининг иккинчи қисми)*.

Акциядорлик жамияти чиқарган қўшимча акциялар қимматли қоғозларнинг бирламчи эмиссияси рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш органида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак *(ЎРҚ-163-сон Қонун 6-моддаси ҳамда АВ томонидан 2002 йил 10 июлда 1159-сон билан рўйхатдан ўтказилган, ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМ НҚМ бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва чиқарилган акцияларни бекор қилиш тартиби тўғрисида низом 21-банди олтинчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққанда, бундан кейин 1159-сон низом)*. Бунинг учун мазкур органга акциядорлик жамияти қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч ойдан ошмайдиган муддатда[4] қуйидагиларни тақдим этади.

– АЖ ижроия органининг акциялар қўшимча эмиссиясини рўйхатдан ўтказиш илтимос қилинган аризаси;

– қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор. Мазкур қарор учта асл нусхада тақдим этилиши керак *(ЎРҚ-163-сон Қонун 5-моддаси олтинчи қисмининг маъносидан келиб чиққанда)*;

– АЖ уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси *(1159-сон низом 24-бандининг тўртинчи хатбошиси)*;

– эмитентнинг рўйхатдан ўтиш картаси[5] *(1159-сон Низом 24-бандининг еттинчи хатбошиси)*;

– рўйхатдан ўтказилаётган чиқарилиш қўшимча акциялари номинал қийматининг 0,01%ини ташкил этадиган рўйхатдан ўтиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси *(ЎРҚ-163-сон Қонун 8-моддасининг биринчи қисми ва 1159-сон низом 24-бандининг саккизинчи хатбошиси)*;

– АЖ ва у чиқараётган акциялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган эмиссия проспекти[6]. Мазкур ҳужжатни АЖнинг ваколатли органи тасдиқлайди, унинг раҳбари ва бош бухгалтери имзолайди *(1159-сон низом 18-бандининг маъносидан келиб чиққанда)*;

– рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рўйхатининг икки нусхаси[7] *(1159-сон низом 24-бандининг ўн биринчи хатбошиси)*[8].

– Қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан акциядорлик жамияти юқорида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этган санадан бошлаб ўттиз кун мобайнида амалга оширилиши керак *(ЎРҚ-163-сон Қонун 6-моддасининг иккинчи хатбошиси)*.

Қўшимча акциялар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилиши АЖ бошқарув органининг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарори ҳар бир нусхасига рўйхатдан ўтказиш рақами ва «РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН» белгисини қўйган ҳолда расмийлаштирилади.

Қўшимча эмиссиянинг чиқарилиши рўйхатдан ўтказилгач, акцияларни жойлаштиришга рухсат берилади. Қўшимча акцияларни жойлаштиришни акциядорлик жамияти қўшимча эмиссия чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатларда амалга оширади, бироқ у қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кўпи билан бир йил мобайнида ўтказилиши керак *(ЎРҚ-163-сон Қонун 14-моддаси саккизинчи қисмининг ва 223-I-сон Қонун 36-моддаси тўртинчи қисмининг маъносидан келиб чиққанда)*.

Қўшимча акциялар чиқарилишини жойлаштириш тугаллангандан кейин (мазкур чиқарилиш акциялари рўйхатдан ўтказилган сони тугаши ёки чиқарилишида белгиланган жойлаштириш муддати тугаши муносабати билан) акциядорларнинг умумий йиғилиши АЖ устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши зарур. Кўрсатилган қарорда акциядорлар:

– устав фондининг жойлаштирилган қўшимча акциялар ҳисобига кўпайтирилишини;

– устав фондини кўпайтириш муносабати билан АЖ уставига киритиладиган ўзгартишлар хусусиятини кўрсатишлари лозим.

Кўрсатилган қарор қабул қилингач ва уставга киритилган уставларни рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилишдан олдин акциядорлик жамияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун ўрнатилган ва ҳокимиятнинг ваколатли органлари белгилайдиган рўйхатдан ўтказиш суммасининг 50%и миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлаши лозим.

ПҚ-357-сон низом 33-бандининг маъносидан келиб чиқиб устав фондини АЖнинг жойлаштирилган қўшимча акциялари ҳисобига кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин **7 кун мобайнида** уни рўйхатдан ўтказган органга қуйидаги ҳужжатларни шахсан келган ҳолда ёки почта алоқаси воситасида тақдим этади:

– ариза;

– жамият уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисида умумий йиғилишнинг қарори;

– АЖ муҳри билан тасдиқланган ўзгартишлар матни, икки нусхада. Фикримизча, кўрсатилган матннинг иккала нусхаси рўйхатдан ўтказувчи органга давлат тилида тақдим этилиши керак *(ПҚ-357-сон низом 10-банди иккинчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққан ҳолда)*;

– жамият уставига ўзгартишлар киритилишини рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим тўлангани тўғрисида банк тўлов ҳужжати;

– жамият устав фондини жойлаштирилган қўшимча акциялар ҳисобига кўпайтириш, устав фондининг эълон қилинган миқдорини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилган бошқарув органининг ҳужжати (у ҳақда юқорида батафсилроқ сўзланган).

Бошқа ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи орган устав фонди кўпайиши муносабати билан уставга ўзгартиш киритаётган акциядорлик жамиятидан сўрашга ҳақли эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш муддати 2 иш кунини ташкил қилади *(357-сон низом 33-бандининг ўн иккинчи хатбошиси)*.

---

*[1] Акцияларни жойлаштириш – акцияларни битимлар тузиш орқали уларнинг дастлабки эгаларига бериш (2008 йил 22 июлдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» ЎРҚ-163-сон Қонун 3-моддаси ўттиз учинчи хатбошисининг маъносидан келиб чиққанда).*

*[2] АЖ уставига кўрсатилган ўзгартишларни киритиш тўғрисида қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши керак (223-I-сон Қонун 26-моддасининг учинчи қисми).*

*[3] Агар жамият томонидан акцияларга эркин айирбошланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирилса, эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозлар муомалада бўлиш муддати давомида эркин айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим (223-I-сон Қонун 26-моддасининг тўртинчи қисми).*

*[4] Кўрсатилган муддат 1159-сон низом 22-бандининг учинчи хатбошиси билан белгиланган.*

*[5] Мазкур ҳужжат шакли 1159-сон низомга 4-иловада келтирилган.*

*[6] Эмиссия проспектида келтириладиган маълумотлар тўғрисида батафсилроқ ЎРҚ-163-сон Қонун 39-моддасининг иккинчи қисмига қаралсин.*

*[7] Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат шакли 1159-сон низомга 5-иловада келтирилади.*

*[8] Қўшимча акциялар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган ва бир варақдан ортиқ бўлган барча ҳужжатлар, АЖ устави бундан мустасно, рақамланиши, тикилиши, тикиш жойида АЖ муҳри билан тасдиқланиши ва АЖ раҳбарининг имзоси қўйилиши керак (1159-сон низомнинг 25-банди маъносидан келиб чиққанда).*



# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ:**

– Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг «Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 11 ОКТЯБРДАН 17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ*

## ТРАНСФЕР-АГЕНТ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 21 ноябрда 1872-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 47-сон, 469-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

***Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори К.ТОЛИПОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 28 октябрь*
*2008-29-сон.*

***2008 йил 1 декабрдан кучга киради.***

*Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 28 октябрдаги 2008-29-сон буйруғига ИЛОВА*

## ТРАНСФЕР-АГЕНТ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисидаги Низомга мувофиқ, трансфер-агент фаолиятини юритиш тартибини белгилаб беради.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**инвестор** — қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**трансфер-агент** — қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш тизимига тааллуқли ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва уларни топшириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс;

**трансфер-агентнинг мижози (мижоз)** — трансфер-агентнинг хизматларидан фойдаланувчи шахс;

**эмитент** — эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

**қимматли қоғозлар эгаси (мулкдор)** — қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (Марказий депозитарий)** — депозитарийларда депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларни сақлаш, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракати ягона тизимини таъминловчи депозитарий;

**қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.

2. Трансфер-агентни юридик шахс сифатида тузиш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Трансфер-агентнинг фаолиятини лицензиялаш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

4. Трансфер-агент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб бориш ҳуқуқига эга.

5. Депозитарийнинг профессионал фаолиятини бирга қўшиб олиб борувчи трансфер-агент инвестиция воситачисининг профессионал фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

## II. ТРАНСФЕР-АГЕНТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ

6. Қимматли қоғозлар бозорида трансфер-агент сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун:

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг тегишли лицензиясига эга бўлиш;

қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака гувоҳномаси бўлган камида икки ходимга эга бўлиш;

қонун ҳужжатлари билан ўз маблағлари миқдорига қўйилган талабларга амал қилинишини таъминлаш;

қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларни бажариш зарур.

7. Трансфер-агент, инвесторларга, қимматли қоғозлар эгаларига ва эмитентларга улар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган шартнома шартларига мувофиқ хизмат кўрсатади.

8. Трансфер-агентнинг мижоз билан шартнома тузиш шартлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

9. Ўзининг мижоз олдидаги мажбуриятларини бажариш вақтида трансфер-агент мижознинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Манфаатлар тўқнашуви содир бўлган вазиятда трансфер-агент мижозни хабардор қилиши ва биринчи навбатда ўзининг мижоз олдидаги мажбуриятларини бажариши лозим.

10. Трансфер-агент, инвесторлар ва мулкдорларга қуйидаги хизматларни кўрсатишга, яъни:

улар томонидан қимматли қоғозлар билан битимлар бўйича зарур бўлган ҳужжатларни тўлдиришда ёрдам кўрсатиш;

улар номидан қимматли қоғозлар билан битимларни рўйхатдан ўтказиш учун тегишли депозитарийга ҳужжатларни тақдим этиш;

эгаси томонидан бегоналаштирилган қимматли қоғозларни уларга эга бўлган инвесторнинг ҳисобварағига чиқариш учун зарур бўлган ҳужжатларни депозитарийга тақдим этиш;

депозитар шартномани тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, депозитар шартномага тааллуқли бўлган ҳужжатларни, шунингдек инвестор эга бўлган қимматли қоғозларни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни депозитарийга тақдим этиш;

улар номидан қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчисига қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш юзасидан буюртмаларни тақдим этиш;

ўз мижозларига уларнинг қимматли қоғозлар билан битимларини рўйхатдан ўтказиш якунлари бўйича ҳужжатларни, шунингдек депозитар операцияларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни топширишга ҳақли.

11. Трансфер-агент эмитентга қуйидаги хизматларни кўрсатишга ҳақлидир:

эмитентнинг қимматли қоғозлар эгалари реестрларини шакллантириш юзасидан расмий талабларини Марказий депозитарийга топшириш;

трансфер-агент томонидан тақдим этилган эмитентнинг расмий талаблари бўйича шаклланган қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини Марказий депозитарийдан қабул қилиб олиш;

Марказий депозитарийдан олинган қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини эмитентга етказиб бериш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш.

12. Трансфер-агент томонидан тўғри расмийлаштирилган тўлиқ ҳужжатлар тўплами тақдим этилгандагина депозитарийлар мижозларнинг ўзлари келмаганлиги сабабларига кўра трансфер-агентга унинг мижозлари битимларини рўйхатга олишни, уларнинг қимматли қоғозларини ўтказишни, чиқаришни рад этишга ҳақли эмас.

13. Ўз мижозлари номидан депозитарийларга ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, трансфер-агент уларнинг имзолари асллилигига ҳамда тақдим этилган ҳужжатларда акс эттирилган улар ваколатларининг ҳақиқийлигига кафолат беради.

14. Трансфер-агент томонидан ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган хизматларнинг кўрсатилиши учун вақт даврийлиги беш иш кунидан ошиб кетмаслиги лозим.

15. Трансфер-агент томонидан ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган хизматларнинг кўрсатилиши учун вақт даврийлиги трансфер-агентнинг эмитент билан тузилган шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган реестрни шакллантиришга қўйилган талаблар билан белгиланади.

16. Трансфер-агент ушбу Низомнинг 14 ва 15-бандларида кўрсатилган муддатларда ўзи томонидан кўрсатилган хизматлар якуни бўйича мижозларни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур.

17. Трансфер-агент белгиланган тартибда кириш ва чиқиш ҳужжатлар ва ахборотлар ҳисобини юритиш журналининг юритилишини таъминлайди.

18. Трансфер-агент томонидан мижозларга хизматлар кўрсатиш учун дастурий таъминот ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолларда, мазкур дастурий таъминот ва ахборот-коммуникация технологиялари қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши лозим.

## III. ТРАНСФЕР-АГЕНТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА УНИ САҚЛАШ

19. Ўз фаолиятини амалга ошириш вақтида трансфер-агент қонун ҳужжатларига, уставига ва ўзи томонидан тасдиқланган:

ахборотларни сақлаш, ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш тартибига, шу жумладан махфий ахборотлардан ғайриқонуний фойдаланишга қаратилган чоралар рўйхатига;

трансфер-агент операцияларининг ички ҳисобини юритиш қоидаларига;

мижоз билан манфаатлар тўқнашуви содир бўлганда трансфер-агентнинг ҳаракатлари тартибига;

мижозларга хизмат кўрсатиш регламентига;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ички ҳужжатларга амал қилади.

20. Трансфер-агент ўзи томонидан олинган ва тарқатилган ахборотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоғоз ва/ёки электрон ҳужжат шаклида расмийлаштириши шарт.

21. Ўз фаолияти муддати давомида трансфер-агент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларига мувофиқ мижозлардан олинган ҳужжатлар нусхаларини;

унинг мижозлари қимматли қоғозларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини;

мижозлар билан тузилган шартномаларни;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотлар ва ҳужжатларнинг бут сақланишини ва хронологик ҳисобини юритилишини таъминлаши шарт.

## IV. ТРАНСФЕР-АГЕНТ ТОМОНИДАН АХБОРОТЛАРНИНГ ОШКОР ҚИЛИНИШИ

22. Инвесторнинг талабига биноан трансфер-агент:

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхасини;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхасини;

ўзининг устав фонди, ўзлик маблағлари миқдори ва захира жамғармаси тўғрисидаги маълумотларни;

инвестор томонидан эгалик қилаётган қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни;

инвестор томонидан эгалик қилаётган қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласида акс эттирилган маълумотларни, шунингдек инвестор томонидан ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги талабларни топширишнинг олдинги санасидан олти ҳафта мобайнида бундай қимматли қоғозларга бўлган нархлар тўғрисидаги маълумотларни;

шартномада келишилган муддатларда қимматли қоғозлар билан битимлар натижалари бўйича ҳисоботни тақдим этади.

23. Трансфер-агент инвесторларни ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган уларнинг ахборотларни олишга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилишга мажбур.

24. Трансфер-агент қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига икки иш куни ичида ёзма шаклда:

бир чорак давомида фақат бир эмитентнинг қимматли қоғозлари билан операциялар;

бир эмитентнинг қимматли қоғозлари билан бир марталик операция, агар бу операция бўйича қимматли қоғозларнинг сони мазкур қимматли қоғозлар умумий сонининг камида 15 фоизини ташкил этган бўлса, уларни амалга оширилганлиги ҳақида ахборот беради.

25. Трансфер-агент қимматли қоғозлар бозоридаги ахборотларнинг махфийлигига амал қилиши лозим.

26. Трансфер-агент томонидан қимматли қоғозлар бозоридаги махфий ахборотларнинг ошкор қилиниши «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

## V. ТРАНСФЕР-АГЕНТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

27. Трансфер-агент инвестор олдида етказилган зарарлар доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар учун мулкий жавобгар бўлади:

қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотни инвесторнинг талабига биноан тақдим этмаганлик ёки нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун;

қимматли қоғозлар эмиссиясининг белгиланган тартибини бузганлик учун;

қимматли қоғозларнинг инсофсиз рекламасини амалга оширганлик, қимматли қоғозларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган чиқарилишининг рекламаси, шунингдек муомаласи қонун билан тақиқланган қимматли қоғозларнинг рекламаси учун;

улар томонидан инвесторлар билан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини ҳамда эмитентлар ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг жавобгарлигини чеклайдиган шартномалар тузилганлиги учун;

нархлар борасида ҳийла-найранг ишлатилганликнинг аниқланган фактлари учун, шунингдек қимматли қоғозлар, қимматли қоғозларнинг эмитентлари, қимматли қоғозларга доир нархлар тўғрисида, қасддан бузиб кўрсатилган ахборот, шу жумладан рекламада шундай ахборот тақдим этиш орқали инвесторни қимматли қоғозларни сотиб олишга ёки сотишга ундаганлик учун. Қимматли қоғозлар бозорида нархлар борасида ҳийла-найранг ишлатганлик аломатлари қонун ҳужжатларида белгиланади. Қимматли қоғозлар бозорида нархлар борасида ҳийла-найранг ишлатилганлиги факти суд тартибида эътироф этилади;

инвесторлар билан тузилган шартномалар шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, шунингдек инвестор билан тузилган шартномада келишилганидан фарқ қиладиган шартлар асосида битим тузганлик учун.

28. Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда трансфер-агентга:

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган иқтисодий санкциялар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятнинг алоҳида турларини лицензиялаш тўғрисидаги жавобгарлик чоралари;

ўзининг ваколатлари доирасида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жавобгарлик чоралари қўлланилади.

29. Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда трансфер-агентнинг мансабдор шахсларига нисбатан:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик чоралари;

фаолиятнинг алоҳида турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиларини бошқарув органларида уларнинг иштирокини чекловчи чоралар;

қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини малака гувоҳномасидан маҳрум этиш ёхуд мазкур гувоҳномани беришни рад этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа чоралар қўлланилади.

30. Иқтисодий санкцияларни қўллаш суд томонидан, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда эса, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг охирги ҳисобот санасидаги активлари баланс қиймати суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдорда қўлланилган иқтисодий санкцияларни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой тенг миқдорда бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

31. Трансфер-агент ва унинг мижозлари ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

32. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

33. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши устидан назоратни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи амалга оширади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
## ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 11 ОКТЯБРДАН 17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 2 сентябрдаги 91-сонли буйруғи.*

***2008 йил 13 октябрда 1865-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 октябрдан кучга киради).***

2. «Қимматли қоғозлар бозорида манипуляцияни олдини олиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-15-сонли буйруғи.*

***2008 йил 13 октябрда 820-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 октябрдан кучга киради).***

3. «Қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат бериш фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-18-сонли буйруғи.*

***2008 йил 13 октябрда 1495-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 октябрдан кучга киради).***

4. «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-19-сонли буйруғи.*

***2008 йил 13 октябрда 860-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 октябрдан кучга киради).***

5. «Марказий депозитарийнинг савдо ва ҳисоб-китоб-клиринг тизимлари билан ўзаро алоқадорлиги тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 26 сентябрдаги 2008-20-сонли буйруғи.*

***2008 йил 13 октябрда 854-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 октябрдан кучга киради).***

6. «Авиакеросин ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 13 октябрдаги 100-сонли буйруғи.*

***2008 йил 16 октябрда 1866-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 октябрдан кучга киради).***

### II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1005, 2001 йил 13 февраль).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 13 октябрдаги 212-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. «Авиакеросин ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1796, 2008 йил 21 апрель).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 16 октябрдаги 217-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

### III. АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛМАГАН ҲОЛДА АМАЛ ҚИЛАЁТГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР АНИҚЛАНДИ:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 28 декабрдаги СБ/04-01-32-14/361 ва 16/1-13169-сонли, 2007 йил 23 апрелдаги СБ/04-01-32-14/361 ва 13/1-3762-сонли хатлари.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***
***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

***Бизнеснинг самарадорлигини GS1 глобал стандартларидан фойдаланиб ошириш мумкин. GS1 Uzbekistan уюшмаси Бош ассамблеясининг пойтахтдаги Dedeman Silk Road меҳмонхонасида бўлиб ўтган мажлисида шу хусусда сўз борди. Республикамизнинг турли минтақаларидан уюшма вакиллари унинг 2005-2008 йиллардаги фаолиятига якунлар чиқариш, ривожланиш истиқболлари ва келажак режаларини муҳокама қилиш учун йиғилдилар. Жорий йилда 10 ёшга тўлган ташкилот мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулоти бозорга кириб боришини енгиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш учун кўп ишлар қилмоқда.***



# GS1 СТАНДАРТЛАРИ: БИЗНЕСГА НАФ, ИСТЕЪМОЛЧИГА ФОЙДА

– GS1 – 30 йилдан кўп вақтдан бери барча тармоқлардаги товар ва хизматларни етказиб бериш тизимларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган глобал стандартлар, технологиялар, ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилот, – деб таъкидлади ўз нутқида **GS1 Uzbekistan уюшмасининг бош директори Навфалбек Собиров.** – Бунинг учун унинг аъзолари ягона бизнес тилидан фойдаланадилар. Ушбу ташкилот томонидан ишлаб чиқилаётган стандартлар кенг миқёсда эътироф этилган, улардан дунёнинг 160 мамлакатида бир миллиондан ортиқ компания – йирик трансмиллий корхоналардан тортиб, майда хусусий корхоналарга қадар – фойдаланмоқда. Улар товарлар ва хизматлар тўғрисидаги ахборот оқимларига тезроқ, самаралироқ, вақт ва маблағларни камроқ сарфлаган ҳолда ишлов бериш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Халқаро ташкилот ўз мамлакатларида GS1 тизимини тақдим этадиган 108 миллий тузилмани ўз ичига олади.



GS1 Uzbekistan уюшмаси 1998 йилда Савдо-саноат палатасининг кўмагида ташкил этилган бўлиб, GS1 халқаро ташкилотининг аъзосидир. Ўзбекистонга 478 префикси берилган. Глобал савдо тизимида мамлакатимизнинг ташриф қоғози ҳисобланадиган ушбу рақамлардан ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар – уюшма аъзолари маҳсулотларининг штрих-кодлари бошланади.

GS1 Uzbekistan ўз аъзоси бўлган корхоналарни GS1 га тақдим этади; Ўзбекистон товарларининг ички ва халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишга кўмак беради; товар ишлаб чиқарувчини умумқабул қилинган GS1 жаҳон тизими доирасида идентификациялашга кўмаклашади; товарларни ишлаб чиқариш, ташиш ва реализация қилишнинг автоматлаштирилган ҳисобини таъминлашга ёрдам беради; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради; GS1 тизими томонидан ишлаб чиқилган товарларни идентификация қилиш, штрих кодлари бериш, жойлашган жойини рақамлаштириш, тадбиркорлик субъектлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган маълумотларни электрон айирбошлаш бўйича стандартларни жорий этиш ва бошқаришга кўмаклашади ва ҳоказо.

GS1 Uzbekistan уюшмасига мамлакатимиздан 1 150 корхона аъзо, уларнинг катта қисми (77%) – кичик ва ўрта бизнес вакиллари. GS1 тизимининг штрих кодлаши ёки бошқа стандартларидан фойдаланишни хоҳловчилар миллий ташкилотга аъзо бўлишлари керак. Бугунги кунда GS1 Uzbekistan Ўзбекистонда чиқарилаётган – озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, автомобилларгача – 50 мингга яқин номдаги товар ва хизматларни кодлаштириш ҳамда уларга штрих кодларини берди. Штрих кодлар ва бошқа сервислар уюшма аъзолари учун бепул амалга оширилади.

– GS1 тизимида 4 муҳим йўналишни ажратиш мумкин, – дейди Навфалбек Собиров. – Бутун дунёда энг кўп фойдаланиладигани – **маҳсулотга штрих кодлари бериш.** У глобал стандартлардан бири бўлиб, бизнес жараёни иштирокчилари ўртасида тез, самарали, технологик жиҳатдан илғор алоқани ўрнатиш имконини беради. Ҳар куни дунёда штрих кодларининг 5 млрд дан кўп сканердан ўтказилиши юз бериши далилининг ўзи ушбу тизимнинг талабгирлигини кўрсатади. Бизнинг уюшмамиз ўз фаолиятини айни Ўзбекистонда штрих кодлаштиришни жорий этишдан бошлаган. Ушбу стандарт ёрдамида Тошкентдаги кўп супермаркетлар бизнес жараёнларини автоматлаштириб бўлдилар, кассалар ёнида харидорларга хизмат кўрсатиш вақтини қисқартирдилар. Назорат-касса аппаратлари ягона компьютерга улангач, исталган пайтда сотувлар ҳажмининг реал ҳисобини, талаб даражасини баҳолаш, савдо зали токчаларидаги товар захираларини тўлдириш учун олдиндан омборга буюртма бериш мумкин.

Ўзбекистонда ривожлана бошлаган яна бир йўналиш – **электрон тижорат учун стандартларни жорий этиш.** Бу нарса бизнес жараёни иштирокчиларига нима беради? Биринчидан, илова қилинадиган ҳужжатларнинг сони жиддий тарзда қисқаради. Маҳсулот, унинг ҳаракати тўғрисидаги бутун ахборотни электрон кўринишда кузатиб бориш мумкин. Уни етказиб беришлар бутун занжирининг иштирокчилари: ишлаб чиқарувчилардан тортиб, сотувчиларгача, – кўришлари мумкин. Ушбу стандартлар ёрдамида on-line режимида ишлаб чиқарувчига буюртмалар қилиш, омбор захираларини тўлдириш мумкин. Бошқача айтганда, ушбу стандартлар чегараларни, мамлакатлар ўртасидаги тил тўсиқларини йўқотади. Ўзбекистонда ушбу тизимдан фойдаланиш учун эҳтиёж мавжуд. Биз экспортчи ва импортчилар вақтни бой бермасдан, ўз ҳамкорлари билан бизнес мулоқоти юрита олишлари учун маълумотлар базасига ишлов беряпмиз.

**Стандартлар асосида маълумотларни синхронлаштиришнинг автоматлаштирилган глобал тармоғи** маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида узлуксиз синхронлаштиришни амалга ошириш имконини беради. Маълумотларни глобал синхронлаштириш учун стандартлар глобал каталогларда жойлаштириладиган ахборотни бирхиллаштиришни назарда тутади. Агар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулоти тўғрисидаги маълумотларни глобал каталогда жойлаштиришни хоҳласалар, бироқ уларни турлича киритиб борсалар, синхронлаштириш юз бермайди. Бунинг учун ягона тил, ягона ёндашув зарур.

Тўртинчи йўналиш GS1 тизимининг инқилобий ечимларидан бири ҳисобланади. Бу **идентификациялашнинг радиочастотали стандартларини жорий қилиш** бўлиб, у муайян вақт ўтгач, штрих кодлари ўрнини босиши керак. Радиочастотали идентификациялаш – ҳисобловчи қурилма билан маҳсулотнинг алоқасисиз электрон код асосида ҳисобни автоматлаштириш имконини берадиган тизим. Масалан, агар ушбу тизимдан супермаркетда фойдаланилса, харидор маҳсулотлар билан кассага етиб боргунига қадар тўлов учун чек тайёр бўлади. Ишлаб чиқарувчилар, экспортчиларга бу нарса маҳсулот ҳаракатланишининг барча босқичларини назорат остида ушлаш имкониятини беради. Тизимдан Европа, АҚШда фаол фойдаланилмоқда. GS1 Uzbekistan уюшмаси кейинги йилданоқ ушбу стандартларни ривожлантиришга киришишни режалаштиряпти.

Миллий ташкилотнинг раҳбари таъкидлаганидек, уюшма GS1 тизимини Ўзбекистонда ривожлантириш бўйича фаол иш олиб боряпти. Бугунги кунда ундан иқтисодиётнинг кўп тармоқларида фойдаланиляпти. Озиқ-овқат, енгил, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши корхоналари унинг асосий фойдаланувчиларидир. Илгари тадбиркорлар уюшмага асосан ўз маҳсулотига штрих-код олиш учун мурожаат қилардилар. Кейинги уч йил давомида ташкилот бизнес учун ечимлар портфелини имкони борича кенгайтирди.

– On-line сервислари тўғрисида бир оз сўзламоқчиман. Бошқа глобал каталоглар билан бирлашадиган маълумотлар базаси ишлаб чиқилди. Уюшмамиз аъзоси, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот, унинг жойлашган жойи тўғрисидаги барча ахборот ана шу глобал тармоқда айланади. Бу – Ўзбекистон корхоналари тўғрисидаги ахборотни бутун дунё бўйлаб тарқатиш имконияти деганидир. Биз интернет сайтини ишлаб чиқдик, ҳамкорларимиз унинг ёрдамида on-line сервисларидан фойдалана оладилар. Хусусан, офисдан чиқмасдан, 10 дақиқада улар янги маҳсулотга штрих кодини олишлари мумкин. Биз маҳсулот ишлаб чиқарувчи тўғрисида иложи борича кўп ахборот олишнинг яна бир янги ечимини таклиф қиляпмиз, бу нарса ҳамкорлар билан бизнес алоқаларини йўлга қўйишда жуда муҳимдир. Икки йил аввал GS1 Uzbekistan миллий ташкилотлар ўртасида биринчилардан бўлиб сервисни мобил алоқа ёрдамида жорий эта бошлади. У Ucell компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Бунинг учун штрих коди қийматини мобил телефондан 7711 рақамига юбориш керак, шундан сўнг мазкур маҳсулот тўғрисидаги барча ахборотни олиш мумкин бўлади.

Ҳозир GS1 Uzbekistan уюшмаси штрих кодлари беришнинг янги турларини жорий эта бошлади. Бизда россиялик ҳамкасблар билан бир нечта қўшма лойиҳалар бор. GS1 стандартлари савдо соҳасида энг кўп қўлланилаётганлиги боис омбор ҳисоби йўналиши ривожланмоқда, бунинг учун штрих кодларини беришнинг янги дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Яна бир янги соҳа – транспорт ва логистика. Ушбу йўналишдаги бир нечта лойиҳа темир йўл контейнерлари ва вагонларини GS1 стандартларига мувофиқ маркировкалаш билан боғлиқ. Глобал стандартлар қўлланилаётган бошқа бир янги йўналиш – соғлиқни сақлаш. Республика тиббий клиникаларидан бири билан тажриба лойиҳаси тайёрланяпти. У штрих кодлари бериш ёрдамида тиббиёт ходимлари ишини енгиллаштириш, шифокорлар хатолари сонини камайтириш имконини беради. Унинг моҳияти шундан иборатки, бемор қўлига ўз ичига касаллик тарихи, тайинланган даволаниш тўғрисидаги барча ахборотни олган штрих кодли билагузук тақиб қўйилади. Буларнинг ҳаммаси муайян терминал билан ҳисобланади, тиббиёт ходимларига тайинланган даволаш курсини бажаришда ёрдам беради.

Мамлакатимизда GS1 тизими стандартларини ривожлантириш йўлидаги муаммоларни қайд этиб, Навфалбек Собиров баъзи тадбиркорлар маҳсулотни маркировкалаётганда тасвирлаш сифат стандартлари аҳамияти ва штрих кодлари ўлчамларига эътибор бермасликларига тўхталди. Бу эса кўпинча бизнес жараёнлари автоматлаштирилган корхоналарда маҳсулотни реализация қилиш ва ташишнинг мумкин бўлмаслигига олиб келади. Буларни ҳисобга олиб, уюшма маҳсулотлари глобал стандартлар талабларига мос келмайдиган ишлаб чиқарувчилар билан таълимий семинарлар ва тренингларни мунтазам ўтказмоқда. Ўтказилган мониторинг бундай ялпи таълимдан сўнг вазият анча яхшиланганлигини кўрсатди.

***Ирина ГРЕБЕНЮК,***
***мухбиримиз.***

**GS1 UZBEKISTAN АЪЗОЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ**





• РЕКЛАМА

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**
**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. **2009 йил 6 январь куни соат 11.00 да** бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 03.07.2008 йилдаги 10-0816/5080-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, Проектная кўчаси, Г-30-уй манзилида жойлашган, "BORTEKS" МЧЖга тегишли, умумий майдони 21 379 кв. м бўлган, қурилиши тугалланмаган қуйидаги: 1) омборхона биноси БЛОК-А, майдони 1 334,0 кв. м, 2) омборхона биноси БЛОК-Б, майдони 1 437,0 кв. м, 3) маъмурий бино БЛОК-В, 317,0 кв. м, 4) омборхона биноси БЛОК-Г, майдони 1,111 кв. м, бўлган бир қаватдан иборат бинолар мажмуаси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 150 000 000 сўм.**

II. **Шунингдек 2008 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да** бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 15.10.2007 йилдаги 2-152-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 3-мавзе, МЧЖ "Шахстранс Хизмат" 80-сонли автомашиналарни сақлаш жойида сақланаётган, "Мерседес-Бенц Е-200" русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 54 000 000 сўм.**

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО: 00901, ИНН: 200933850, х/р: 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-7952. www.rkmb.uz

**САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!**

***БЕНЕДЕТТО КОТРУЛЬИ** шахси кам ўрганилганлиги боис номаълумлигича қолиб келаётган бўлса-да, унинг таржимаи ҳоли кўпчиликда қизиқиш уйғотиши турган гап. Бу истеъдодли итальян бухгалтерия ҳисоби шаклланиши ҳамда ривож топишига биринчилардан бўлиб асос солди. Унинг асарлари содир бўлаётган хўжалик жараёнларига баҳо беришда асос бўлиб хизмат қилди ҳамда илмий башоратлар яратилишига ёрдам берди.*

# САВДОГАРЛИКДАН БУХГАЛТЕРЛИККА



### ИБТИДО

Бенедетто Котрульининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида бизгача жуда кам маълумотлар етиб келган, аммо бу ҳол унинг итальян бухгалтериясини шакллантиришга қўшган ҳиссасини асло камайтирмайди. У ғоят истеъдодли ва кўп қиррали инсон бўлиб, кўпгина амалий ғояларни илгари сурди ва энг муҳими, уларни амалга ошира билди. Унинг илмий асарлари бухгалтерия ишини ривожлантиришга қўшилган муҳим ва салмоқли ҳисса бўлиб қолди.

Бухгалтерия ҳисобини бундан камида олти минг йил муқаддам юзага келган деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақдаги дастлабки ёзувлар милоддан аввалги IV асрга мансубдир. Бухгалтерия ҳисобининг юзага келиши инсон хўжалик фаолияти билан боғлиқ, тараққиёти тарихи эса содир бўлаётган хўжалик жараёнларига холисона баҳо беришда ҳамда истиқболни илмий асосда белгилаб олиш қоидасини ўзлаштиришда мутахассисларга ёрдам беради.



Бухгалтерия ҳисоби соҳасида истиқболли ечимларни излаш ҳамиша ҳам муваффақиятли тарзда кечди деб бўлмайди. Бундай ечимларни яратган иқтидорли кишилар кўпгина хато ва қарама-қаршиликларни енгиб ўтдилар. Ана шу ташаббускорлар кунт-сабот ва бетимсол заҳмат туфайли илмнинг шу соҳаси тарихида муносиб ўрин эгалладилар. Қуйида ана шундай буюк шахслардан бири ҳақида сўз боради.

### ДАҲОЛАРГА ХОС

XV асрда яшаб ўтган италиялик тужжор, «Савдо-сотиқ ва комил тожир ҳақида» деган китоб (1458 йил) муаллифи ва амалда итальян бухгалтерияси асосчиларидан бири Бенедетто Котрульи номи тарих битиклари орқали бизгача етиб келди. Бухгалтерия маълумотларини ёзиб бориш тизими унинг шарофати билан муҳим янгилик билан бойитилди: Котрульи биринчи марта ҳисобварақ саҳифасининг чап тарафига «Дебет», ўнг тарафига эса «Кредит» бўлимини жойлаштирди. Пул маблағлари ҳисобини олиб бориш учун у иккита устун бўлишини назарда тутди. Биринчи устунда асл валюта, иккинчисида эса уни маҳаллий валютага айлантирилган ҳолати қайд этиб бориларди. Тўғри, у валюталар орасидаги фарқни (курс фарқини) ҳисоблаб чиқиш усулларини келтириб ўтмади, аммо уларнинг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатди. Унинг сўзларига қараганда, бундай ҳисоблаб бориш зарурлигини тушуниб етмаган одам бухгалтер деган номга лойиқ эмас. Бенедетто зарар ва фойда ҳисобини тўлдириб бориш тартибини ҳам баён этиб, сальдо капитал ҳисобига ўтказилиши керак деб айтди.

Котрульининг фикрича, балансни етти йилда камида бир марта тузиш зарур (кейинчалик бошқа бир италиялик – Лука Пачоли балансни ҳар йили тузиб бориш тажрибасини жорий этди). Ўша йиллари Италияда балансни, фойда ва зарарлар бўйича ҳисоботни мунтазам қайд этиб бориш таомилга кирмаган эди, лекин ҳар қалай бу ишга асос солинди.

Бугунги кунда барча давлатларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида йиллик молиявий ҳисоботни мунтазам топшириш ҳақида кўрсатма бор. Молия даври, одатда, календарь йилига тўғри келади. Хусусан, Франция давлатида ҳисобни ҳар йили юритиб бориш Қиролнинг иқтисодий фармони билан жорий этилган, Наполеон Бонапарт даврида эса 1807 йили Тижорат кодекси жорий этилган. Мазкур Кодексда йиллик баланс ҳамда фойда ва даромад бўйича ҳисоботни тузиш мажбурий деб белгиланди.

### ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Бенедетто Котрульи томонидан янгилик жорий этилишидан аввал хўжалик жараёнларини яхлит, изчиллик асосида кузатиб бориш тизимини ўзида мужассам этган оддий бухгалтерия мавжуд эди. Бундай бухгалтерия моддий қимматликлар ва пул бирликларини назорат қилиб бориш имконини берганлиги рост, аммо унинг камчиликлари ҳам кўп эди. Чунончи, унда тақрибийлик принципига ҳам асосланилар эди. Бундай принцип келтирилаётган барча фактларнинг юридик ва иқтисодий моҳиятини очиб бермасди. Бундан ташқари, унда ҳисобдаги ёзувлар тўғрилигини назорат қилиб бориш имконини берадиган «Жами» деган бўлим йўқ эди.

Кейинчалик, ўрта асрларга келиб, бухгалтерияда аниқлик даражаси ортди, юридик нуқтаи назардан ҳисобдаги ёзувларнинг асослантирилганлиги кучайди. Айни бир вақтда савдо ҳуқуқи жадал ривожланиб борди. Қайд ёзувлари хронологик тартибда олиб бориладиган бўлди ва уларга нисбатан талаб кучайди. Ўрта асрларнинг молия соҳаси ходимлари ўз ёзувларини ҳужжатлар билан тасдиқлаш йўлига ўтдилар, бу эса олға қараб ташланган катта ижобий қадам эди. Айни шу даврда камерал бухгалтерия шакллана бошлади, кейинчалик унинг роли тўхтовсиз ошиб борди.

Уйғониш даврига келиб, Бенедетто Котрульи сингари даҳо майдонга келди ва унинг ғоялари ҳаётга татбиқ қилинди.

### ҚЎШ ЁЗУВ УСУЛИ

Котрульи томонидан жорий этилган қўш ёзув усули хўжалик жараёнини тўлароқ ва осонроқ акс эттирарди. Оддий бухгалтериянинг ҳисоблаш тизими ўз маблағларига оид ҳисобварақлар билан тўлдириладиган, моддий ресурслар эса пул баҳосида кўрсатиладиган бўлди. Оқибатда хўжалик ҳаётига оид барча ҳолатлар икки марта қайд эттирилишига эришилди.

Ҳисоб юритишнинг бундай усули пайдо бўлганлиги хўжалик жараёнидаги ўзгаришларни кузатиб боришдан ташқари, бундай ўзгаришларни қайд этиш, шунингдек, моддий воситалар ҳаракати ҳисобини юритиш имконини ҳам берди. Кейинчалик бу нарса капитал ва фойда сингари меъёрлар устидан тизимли кузатув ўрнатишга олиб келди. Ҳисобварақлар бухгалтерларга оддий пул ҳисобини юритишдан барча операциялар ва объектларни пул ифодасида кузатиб боришга ўтишларини таъминлади. Охир-оқибатда қўш ёзув бухгалтериянинг ажралмас қисми бўлиб қолди, уни қимматликлар сақланиши устидан назорат қилиб боришни ҳамда уларни бошқаришни енгиллаштирадиган қатъий тизимга айлантирди. Ўша олис йилларда одамлар ўзларидаги қолоқлик чангини қоқиб, ижтимоий турмуш ривожида янги босқичга ўтдилар. Бу пайтга келиб, ҳужжатларни пухта юритиш кўникмасига ва бунинг учун керак бўладиган билимларга аввалги пайтлардагига нисбатан кўпроқ аҳамият бериладиган бўлди. Айни ана шу даврда эндиликда биз бухгалтерия деб юритадиган илм дунёга келди.

### БОШҚАРУВ ҚУРОЛИ

Бухгалтерия ҳисобига Бенедетто Котрульи шарофати билан, бир тарафдан, алоҳида олинган бир корхонани бошқариш қуроли сифатида ва, иккинчи томондан, универсал услубий илм сифатида қарайдиган бўлдилар. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисобининг илмий асоси ҳамда унинг назарий ва услубий негизларига оид ишлар кейинроқ, бир қанча олимлар ва амалиётчиларнинг саъй-ҳаракати билан бажарилди. Хусусан, Котрульи томонидан таклиф этилган ўзгартишлар хўжалик ҳодисаларининг миқдор жиҳатини хўжалик фактларини ҳужжат асосида асослантирилган ва ҳам пул ифодасида, ҳам натура кўрсаткичларида ўзаро боғлиқ тарзда қайд этиш йўли билан ўрганиб бориш бухгалтерия ҳисобларининг асосий вазифаси даражасига кўтарди. Бизнинг кунларга келиб, ана шу ўзига хос хусусиятлар бухгалтерия ҳисобини ҳисоб юритишнинг тезкор-техник ва статистика йўналишидаги турларидан фарқлашга хизмат қилмоқда. Бенедетто Котрульи ўз асарларида ҳисобни аниқ юритиш учун зарур бўладиган турли-туман ахборотлардан фойдаланиш, тафсилотларни ёзиб боришга чақирган эди. Ана шу таҳлитда иш олиб бориш ҳозирги корхоналарга ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини янада самаралироқ бошқариш, истеъмолчиларнинг сўров ва талаб-эҳтиёжларини қаноатлантириш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек компанияларнинг бозордаги ҳолатига муносиб равишда баҳо бериш имконини бермоқда.

Шундай қилиб, Котрульи тасаввуридаги хўжалик юритиш ҳисобининг асосий мақсади молия ва хўжалик фаолияти тўғрисида сифатли, яъни тўлиқ ва ишончли маълумотларни ўз вақтида шакллантиришдан иборатдир.

### МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Ҳозирги иқтисодий ҳаётни бухгалтериясиз, дебет ва кредитларсиз, балансларсиз, бухгалтерия илмини ташкил этувчи бошқа кўпгина воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу муносабат билан башарият фаолиятининг ана шу муҳим соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган Бенедетто Котрульининг илмий асарлари ўрни ва аҳамияти янада қадрлидир. Бухгалтерия билан боғлиқ ҳодисаларга вақти-вақти билан дуч келиб турсак-да, бу соҳадаги ғоя асосчилари, бухгалтерия ҳисобининг у ёки бу соҳасига кимлар янгилик олиб кирганлигини кўпинча тасаввур ҳам қилмаймиз. Гарчи Бенедетто Котрульининг номи бугунги кунда кўпчиликка таниш бўлмаса-да, шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, унинг бухгалтерия ҳисоби ва молия илмига қўшган ҳиссаси бебаҳодир.

Хорижий матбуот материалларидан.

## Қўшнилар қонунчилигидаги янгиликлар

### БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲАҚИДА ЯНГИ ҚОНУН

**Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги янги қонун устидаги баҳс-мунозара Россия Молия вазирлиги фойдасига ҳал бўлди. Ўтган йилнинг ноябрида Вазирлик қонун лойиҳаси устидаги ишларни охирига етказиб, Россия Федерацияси ҳукуматига муҳокама учун киритган эди. Янги қонун лойиҳасида депутатлар билдирган талайгина таклифлар ҳам инобатга олинган. Чунончи, мазкур лойиҳага биноан кичик ташкилотлар, баширти улар юридик шахс мулкий идентификация қилинишини таъминлаш мақсадида ҳисоб юритишни сақлаб қолсалар, ҳисоботлар тақдим этишдан озод этилади.**

Бироқ, ҳисоб юритиш стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қоидалари теварагида баҳс-мунозара қизиб кетди. Вазирлик тақдим этган вариантда бухгалтерларнинг профессионал бирлашмалари стандартнинг вариантини таклиф этиш ҳамда уни Стандартлар бўйича қўмита доирасида келишиб олишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлса-да, стандартларни тасдиқлашда овоз бериш ҳуқуқига эга эканликлари айтилмаган.

Эътиборга лойиқ янгиликлар қаторида бош бухгалтерларга нисбатан малака талаблари (иш стажи, маълумоти, профессионал ташкилотга аъзолиги – бу рўйхат ҳозирча муҳокамада) белгиланаётганлигини, электрон ҳисоб ҳужжатларига ижозат этилаётганлигини, стандартларга бухгалтерларнинг профессионал бирлашмалари томонидан тайёрланадиган тушунтиришларга расмий мақом берилаётганлигини таъкидлаб кўрсатиш керак.

Қонун 2009 йилнинг ёки ҳатто 2010 йилнинг 1 январидан кучга киради.

### ҲИСОБОТНИ КЕЧИКТИРИБ ТУРСА БЎЛАДИ

**Россия Давлат Думасида муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси акциядорлик жамиятлари ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар учун йиллик бухгалтерия ҳисоботларини топшириш муддатларини ўзгартирмоқда.**

Ана шу ҳужжатга биноан акциядорлик жамияти бухгалтерия ҳисоботидаги ўзгаришларни, агар бу кўрсаткичлар акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган бўлса, молия йили тугаганидан кейин 180 кун ичида тақдим этиши керак. Масъулияти чекланган жамият эса бундай ҳолларда ҳисоботга янги маълумотларни молия йили тугаганидан кейин 120 кун ичида киритиши лозим.



Ҳозирги вақтда барча тижорат ташкилотлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, йиллик ҳисоботни йил тугаганидан кейин 90 кун ичида тақдим этиши шарт. Баъзи бухгалтерлар, агар бу янгилик депутатлар томонидан маъқулланадиган бўлса, бунингсиз ҳам муаммоли бўлиб турган ҳисоботлар топшириш иши янада мураккаблашиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда.

## ДарВоқе

### ФАХРИЙ УНВОН – ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

**Россиядаги ва умуман жаҳондаги энг йирик профессионал ташкилот – Бухгалтерлар, молиячилар ва иқтисодчилар миллий қўмитаси томонидан «Россиянинг бухгалтерия шон-шуҳрати ва ғурури – энг яхшиларнинг яхшиси» тадбирлари жамоат дастури ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.** Дастур доирасида «Хизмат кўрсатган профессионал бухгалтер», «Фахрий профессионал бухгалтер» ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботи миллий тизими аълочиси» жамоат (нодавлат) фахрий унвонлари таъсис этилди. Дастурда келгусида бухгалтерия ва молия соҳасининг олди одамлари реестрини, бухгалтерларнинг Россия Фахрий тахтасини ташкил этиш ҳамда ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилаётган мутахассисларни рағбатлантиришнинг бошқа турлари назарда тутилмоқда.

Бизнес Панорама
РЕКЛАМА & АХБОРОТ
«Норма маслаҳатчи» 49 (178)-сон
2008 йил 5 декабрь

МУҲР ВА ШТАМПЛАР
Хизматлар лицензияланган
ТАЙЁРЛАШ
Тел.: 254-39-27, 281-46-57

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли
SANAY Co.Ltd
КАФЕЛЬ
сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40
Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз
Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган
Тошкентдаги омбордан сотилади
Тўлов – исталган шаклда

Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

"Elit Stamp" МЧЖ
ТАЙЁРЛАЙДИ

МУҲР ва ШТАМПЛАР
реквизит ва факсимил штампчалар,
шунингдек автоматик жиҳозлар
Хизматлар лицензияланган
Манзил:
Қорасарой кўч., 270 (собиқ туман ижроия қўмитаси), 4-қават
мўлжал: Собир Раҳимов туман солиқ инспекцияси
e-mail: elitestamp@mail.ru
тел.: 766-0977, 769-0100, факс 248-3045

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.** Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар "Троллейбус саройи" ШК тугатиш бошқарувчиси томонидан, Самарқанд вилояти хўжалик судининг 06/4383-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ва Самарқанд шаҳридаги "Троллейбус саройи" ШК кредиторларининг 2008 йил 21 ноябрдаги 7-сонли йиғилиш қарорига асосан қуйидаги мол-мулкларни 10% арзонлаштирилган нархларда такроран савдога қўйилмоқда: **А)** Трансформатор ва ускуналар.

**Бошланғич баҳоси – 22 375 000 сўм. В)** 9 (тўққиз) та троллейбус. **Бошланғич баҳоси – 86 181 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2008 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади. Ушбу савдода сотилмай қолган мол-мулкларнинг такрорий савдолари 2008 йилнинг 15 ва 19 декабрь кунлари соат 11.00 да сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Корхона манзили: Самарқанд шаҳар, Набиева кўчаси, 8-уй.

**2.** Аукцион савдосига Самарқанд вилояти Пайариқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2008 йил 7 апрелдаги 14-08-07/2645-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Челак МТП ДАЖга қарашли бўлган, Челак шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси, 55-уйда жойлашган, умумий ўлчами 24,5 х 12,5 метр бўлган икки қаватли маъмурий бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 208 936 900 сўм.**

**Аукцион савдоси 2008 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.**

Кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг ДАТ «Асака-банк» Самарқанд вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО: 00264, ИНН: 200933850, ҳ/р: 20210000500571452071.

**Манзил: Самарқанд в., Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 85 "А"-уй.**
**(ДМҚ вилоят ҳудудий бошқармаси биносида).**
**САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!**

Millenium Inform
ОБУНА 2009
✓ГАЗЕТАЛАР ✓ЖУРНАЛЛАР ✓КИТОБЛАР
763-00-50, 763-00-40, 235-92-13

"BENETEK-IMPEKS" МЧЖ
Н1344
ШИП ВА ДЕВОР УЧУН
ПЛАСТИК
сотади
Эни – 20-25 см, бўйи – 5,95 м
Тўлов – пул ўтказиш йўли билан
3 хил рангдаги пластик дераза токчалари
МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ
Тел.: 233-85-25, 182-64-46, факс 236-21-97

**Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 237-51-33 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.**

Poligraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ
•Бланкалар
•Бандероллар
•Тезтиккичлар
•Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари
АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ
Тел./факс: 150-0090, 150-0091
Уяли: 904-00-90, 905-00-90

"Бизнес-панорама. Реклама & ахборот" рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди. Тел.: 237-51-33, 237-51-24.

9-11 декабрь
"Интерконтиненталь" меҳмонхонаси
РЕКЛАМА САНОАТИ 2008
халқаро кўргазма
ТАКЛИФ ЭТАМИЗ
Корхона ва ташкилотлар раҳбарларини
Турли фаолият соҳасидаги корхоналарнинг маркетинг ва реклама бўлими мутахассисларини (реклама берувчиларни)
Реклама агентликлари, фото- ва дизайн студиялари мутахассисларини
Реклама, матбаа, дизайн соҳасидаги сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш ниятида бўлган барчани
СИЗ УЧУН
БЕПУЛ АХБОРОТ СЕМИНАРЛАРИ
МАСТЕР-КЛАССЛАР
Кўнгилочар қувноқ тадбирлар, викториналар ва совринли ўйинлар
Кўргазма иштирокчиларининг тақдимотлари
САВОЛЛАР БЕРИНГ!
387-64-46, 381-87-70
ssp-expocontact@mail.ru
Ташкилотчилар
Ўзбекистон Реклама саноати уюшмаси
Расмий кўмак
Расмий уяли алоқа
Ҳомийлар
Ахборот кўмаги
РЕКЛАМА САНОАТИ
РЕКЛАМА
МАТБАА
ДИЗАЙН
Дизайнерларни ўз ишларини "ДИЗАЙН-ГАЛЕРЕЯ" бўлимида тақдим этишларини таклиф этамиз.

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ
www.restoran.uz

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

